



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

2026 йил — МАҲАЛЛАНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ЖАМИЯТНИ ЮКСАЛТИРИШ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2026 йил 31 август, № 180 (9351)

Душанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



ЎЗБЕКИСТОН — ҲИНДИСТОН: КЕНГ ҚАМРОВЛИ СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИК ЯНГИ БОСҚИЧДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг таклифига биноан Ҳиндистон Республикаси Бош вазири Нарендра Моди 29-30 август кунлари давлат ташрифи билан мамлакатимизда бўлди.



Кўксарой қароргоҳида 30 август куни Ҳиндистон Республикаси Бош вазири Нарендра Моди билан таъналли кутиб олиш маросими бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев олий мартабали меҳмонни самимий қарши олиб, шохсўпага таклиф этди.

Икки мамлакатнинг давлат байроқлари кўтарилди, фахрий қоровул саф тортиди. Ўзбекистон ва Ҳиндистон давлат мадҳиялари янгради.

Етакчилар фахрий қоровул сафи олдида ўтиб, расмий делегациялар аъзоларини қутладилар.

Шундан сўнг Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Ҳиндистон Республикаси Бош вазири Нарендра Моди музокара-ларни бўлиб ўтди.

Учрашув аввалида Нарендра Моди давлатимиз раҳбарини Мустақиллик куни билан табриклаб, халқимизга тинчлик, фаровонлик ва равақ тилади.

Ўзбекистон — Ҳиндистон стратегик шериклик муносабатлари ва кўп қиррали ҳамкорлигини янада ривожлантиришнинг долзарб масалалари кўриб чиқилди.

Фаол ва самарали мулоқотлар турли даражаларда давом этаётгани катта мамнуният билан қайд этилди.

Ўтган йил якунларига кўра, товар айирбошлаш ҳажми илк бор 1 миллиард доллардан ошди. Сўнгги йилларда кўшма корхоналар сонини етти баробарга кўпайди. Икки мамлакат ўртасида ҳафтасига 14 та тўғридан-тўғри парвозлар амалга оширилмоқда.

Таълим соҳасидаги ҳамкорлик кенгайиб бормоқда. Ўзбекистонда Ҳиндистоннинг тўртта университети фаолият юритмоқда.

Маданий-гуманитар алоқаларни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратишмоқда. Бунда Лалл Бахадир Шастри номидаги Ҳинд маданияти маркази ва Махатма Ганди номидаги

Ҳиндшунослик маркази муҳим ўрин тутмоқда.

Ўзбекистонда йоға тобора оммалашиб бораётгани ва ушбу соҳадаги ҳамкорлик фаол ривожланаётгани қайд этилди.

Мазкур ташриф тарихий аҳамиятга эга бўлиб, Ўзбекистон ва Ҳиндистон ўртасидаги муносабатларни кенг қамровли стратегик шериклик даражасига олиб чиқишда муҳим ўрин тутиши таъкидланди.

Бу Ўзбекистон — Ҳиндистон муносабатларида янги босқични бошлаб бериши ва барча устувор йўналишларда амалий ҳамкорлигини янада кенгайтириш учун мустаҳкам замин яратиши қайд этилди.

Томонлар сиёсий мулоқот ва алмашинувлари барча даражаларда, шу жумладан, парламентлардаги дўстлик гуруҳлари, Ҳукуматлараро комиссия ва Ишбилармонлар кенгаши доирасида фаоллаштиришга келишиб олдилар.

Ҳамкорлиқни самарали мувофиқлаштиришни таъминлаш мақсадида ташқи сиёсат идоралари раҳбарлари даражасида мувофиқлаштирувчи механизмни таъсис этиш кўзда тутилди.

Музокаралар давомида савдо-иқтисодий ва инвестициявий ҳамкорлиқни янада кенгайтириш масалалари атрофича муҳокама қилинди.

Томонлар ўзаро савдо ҳажмини бир неча баробар ошириш учун катта салоҳият мавжудлигини қайд этиб, 2030 йилга қадар товар айирбошлашнинг 5 миллиард долларга етказиш бўйича зарур чораларни кўришга келишиб олдилар.

Саноат кооперациясини кенгайтириш ва янги кўшма лойиҳаларни амалга оширишга алоҳида эътибор қаратилди. Ҳиндистоннинг етакчи компаниялари билан энергетика, электротехника, металлургия, муҳим минераллар, соғлиқни сақлаш, фармацевтика, қишлоқ хўжалиги ва заргарлик саноатида ҳамкорлиқни ривожлантириш истиқболлари юқори баҳоланди.

Худудлараро ҳамкорлиқни ривожлантириш масалаларига тўхталиб ўтилди. Андижон вилояти ва Гужарат штати, Фарғона вилояти ҳамда Ҳарьяна штати, Самарқанд вилояти ва Агра ўртасида яқин шериклик алоқалари йўлга қўйилгани қайд этилди.

Бундан ташқари, томонлар маданий-гуманитар ҳамкорлиқни янада кенгайтириш масалаларини муҳокама қилдилар. Маданият кунлари, концертлар, кўргазмалар, форумлар ва кинофестивалларни мунтазам ўтказиб бориш борасида келишувга эришилди. Ташриф доирасида Маданий алмашинув бўйича беш йиллик дастурни имзолаш кўзда тутилган.

Музокаралар давомида халқаро ва минтақавий кун тартибидеги долзарб масалалар юзасидан ҳам фикр алмашилди.

Етакчилар халқаро тузилмалар доирасидаги самарали ҳамкорлиқни мамнуният билан қайд этдилар. Томонлар БМТ, ШХТ, БРИКС ва бошқа халқаро ташкилотлар доирасида илгари сурилаётган ташаббусларни ўзаро қўллаб-қувватлаш амалиётини изчил давом эттириш муҳимлигини таъкидладилар.

Учрашув якунида вазирилик ва идо-

ралар раҳбарларига кўшма лойиҳа ва дастурларнинг фаол илгари сурилишини таъминлаш топширилди.

Ҳар бир устувор йўналиш бўйича аниқ механизмлар, масъул ижрочилар ва амалга ошириш муддатларини ўз ичига олган тегишли “йўл хариталари” ишлаб чиқилади.

Ҳиндистон Республикаси Бош вазири Нарендра Модиға Ўзбекистон Республикасининг “Олий Даражали Дўстлик” орденини топшириш маросими ҳам бўлиб ўтди.

Таъкидланганидек, Ҳиндистоннинг сўнгги йиллардаги жадал тараққиёти ҳамда халқаро майдонда тобора ортиб бораётган нуфузи бевосита мамлакат етакчисининг самарали фаолияти билан боғлиқ. Муваффақиятли дастур ва стратегиялар туфайли замонавий Ҳиндистон барча соҳаларда оламшумул ютуқларни қўлга киритмоқда.

Давлатимиз раҳбари нуфузли мукофотни топширар экан, бу қарор Ҳиндистон Бош вазирининг икки халқ ўртасидаги азалий дўстлик ришталарини мустаҳкамлашга кўшаётган бекиёс хиссаси учун Ўзбекистон халқи ва давлатининг юксак эътироми ифодаси эканини айтиб ўтди.

Ушбу тарихий ташриф ва ўтказилган сермахсул музокаралар натижасида дўст мамлакатлар ўртасидаги алоқаларни кенг қамровли стратегик шериклик даражасига кўтаришга эришилди.

Биргаликдаги саъй-ҳаракатлар натижасида сиёсий-дипломатик, савдо-иқтисодий, инвестиция, транспорт ва маданий-гуманитар соҳалардаги алоқалар янги сифат босқичига олиб чиқилгани мамнуният билан қайд этилди.

Мазкур мукофот икки халқ ўртасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорлиқни янада ривожлантиришга ишонч билдирилди.

— Умумий интилиш ва ҳаракатларимиз билан кўп қиррали ва узок муддатли алоқаларимиз келгусида ҳам жадал ривожланиб боришига аминман, — деди Президентимиз.

Олий даражадаги музокаралар якунида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Ҳиндистон Бош вазири Нарендра Моди иштирокида икки томонлама

хужжатларни имзолаш маросими бўлиб ўтди.

Улар савдо-иқтисодий, инвестициявий, маданий-гуманитар ва бошқа йўналишлардаги ҳамкорлиқни янада ривожлантириш ҳамда чуқурлаштиришга қаратилган.

Жумладан:

— Ҳиндистон Республикаси Бош вазири Нарендра Моди билан Ўзбекистон Республикасига ташрифи якунлари бўйича кўшма баёнот;

— Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ва Ҳиндистон Республикаси Ҳукумати ўртасида 2026 — 2030 йилларга мўлжалланган маданий алмашинувлар дастури;

— Аюрведа ва аънавий тиббиётнинг бошқа йўналишларида ҳамкорлик тўғрисидаги ўзаро англашув меморандуми;

— Олий таълим ва илмий тадқиқотлар соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисида битим;

— Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисида битим;

— Фаёзтепа ва Қоратепа ҳудудларида археологик тадқиқотлар ўтказиш тўғрисида баённома;

— Иқтисодий ва молиявий мулоқот тўғрисида ўзаро англашув меморандуми;

— 2026 — 2028 йилларда туризм соҳасидаги ҳамкорлик дастури;

— Геология ва минерал ресурслар соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисида ўзаро англашув меморандуми;

— Архив иши соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисида ўзаро англашув меморандуми;

— Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети ҳамда Сушма Сва-раж номидаги Ташқи алоқалар институти ўртасидаги ҳамкорлик тўғрисида ўзаро англашув меморандуми;

— Самарқанд вилояти ва Гужарат штати ўртасида шериклик муносабатларини ўрнатиш тўғрисида битим.

Оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашувда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Ҳиндистон Бош вазири Нарендра Моди бўлиб ўтган музокара-лар якунлари юзасидан фикр билдирдилар.

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати сурати.

ИККИ ТОМОНЛАМА МУНОСАБАТЛАРНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

30 август куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Беларусъ Республикаси Президенти Александр Лукашенко билан телефон орқали мулоқоти бўлиб ўтди.

Давлатимиз раҳбари Беларусъ етакчилигини таваллуд қилиши билан самимий таъриқлаб, унга мустаҳкам соғлиқ, бахт-саодат ва муваффақиятлар, дўст Беларусъ халқига эса тинчлик-осойишталик ва равақ тилади.

Ўз навбатида, Беларусъ Президенти Ўзбекистон етакчилиги ва кўп миллатли халқини яқинлаштириб келаётган Мустақиллик куни билан самимий қутлаб, бардавом тараққиёт ва фаровонлик тилади.

Жорий йил 8-9 июль кунлари Президентимизнинг Минск шаҳрига расмий ташрифида эришилган келишувларни амалга ошириш доирасида Ўзбекистон — Беларусъ стратегик шериклик муноса-

батларини янада ривожлантиришнинг долзарб масалалари кўриб чиқилди.

Самарали мулоқот ва алмашинувлар, шу жумладан, икки мамлакат ҳудудлари да-ражасида амалга оширилаётгани мамну-ният билан қайд этилди.

Йил бошидан буён товар айирбошлаш ҳажми 28 фоизга ошди. Қишлоқ хўжалиги, машинасозлик, фармацевтика, электротехника, энгил саноат ва иқтисодиётнинг бошқа тармоқларида кооперация лойиҳалари амалга оширилмоқда.

Етакчилар бўлажак икки томонлама учрашув ва тadbирлар режасини ҳам муҳокама қилдилар.

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ШҲТНИНГ БИШКЕК САММИТИ ТАДБИРЛАРИДА ИШТИРОК ЭТАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Қирғиз Республикаси Президенти Садир Жапаровнинг таклифига биноан 31 август — 1 сентябрь кунлари Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар раҳбарлари кенгазининг навбатдаги йиғилиши ҳамда «ШҲТ плюс» форматидаги учрашувда иштирок этиш учун амалий ташриф билан Бишкек шаҳрида бўлади.

Саммит кун тартибидан ШҲТ доирасидаги кўп қиррали ҳамкорлиқни янада ривожлантириш ва ташкилот фаолиятини такомиллаштиришга оид долзарб мавзулар ўрин олган. Халқаро ва минтақавий ҳамкорлик масалалари ҳам муҳокама қилинади.

Йиғилиш якунида ШҲТнинг 25 йиллигига бағишланган Бишкек декларацияси ҳамда хавфсизлик, иқтисодиёт, транспорт, экология, сунъий интеллект, маданий-гуманитар алмашинув ва ҳамкорлиқнинг бошқа кўплаб йўналишларида

шериклиқни кенгайтиришга қаратилган хужжатлар тўпламини қабул қилиш режалаштирилган.

Саммит доирасида Президент Шавкат Мирзиёев хорижий делегациялар раҳбарлари билан қатор икки томонлама учрашувлар ўтказди.

Ташриф дастурига мувофиқ, Ўзбекистон етакчилиги VI Бутунжаҳон кўчманчилар ўйинларининг очилиш маросимида ҳам иштирок этади.

Ў.А.

ШҲТ:

ОЧИҚ, ПРАГМАТИК ВА ЎЗАРО МАНФААТЛИ ҲАМКОРЛИК ЙЎЛИДА

Қўшни Қирғиз Республикасида шу кунларда мамлакат тарихидаги энг йирик халқаро тadbирларга қизгин тайёргарлик кўришмоқда. 31 август куни Бишкекда VI Бутунжаҳон кўчманчилар ўйинлари тантанали равишда очилади, 1 сентябрь куни эса Шанхай ҳамкорлик ташкилоти (ШҲТ) саммити

бўлиб ўтади. Мазкур тadbирда БМТ Бош котиби, турли ҳамкор ташкилотлар ва 21 та давлат раҳбарлари иштирок этиши кутилмоқда. Саммитда ШҲТ доирасида сиёсий, савдо-иқтисодий ва маданий-гуманитар ҳамкорлиқнинг кенг қўламли долзарб масалалари кўриб чиқилади.

бугунги кунда ШҲТ 10 та аъзо давлат, 15 та мулоқот бўйича ҳамкор ва 2 та кузатувчи мамлакатни ўз атрофида бирлаштирган. Яна 20 га яқин мамлакатлар ушбу тузилмага у ёки бу мақомда қўшилиш истагини билдирган.

Бугунги кунда ШҲТ дунёдаги энг йирик минтақавий ташкилот ҳисобланади. Унга аъзо давлатларда сайёраимиз аҳолисининг деярли ярми истиқомат қилади. ШҲТ ҳиссасига жаҳон ялпи ички

махсулотининг 20 фоизи тўғри келади. Унга аъзо мамлакатларнинг умумий ҳудуди 35 миллион квадрат километрдан ошади. Бу Евроосиё китъаси ҳудудининг 60 фоиздан ортиғи дегани. «ШҲТнинг катта оиласи» уч қитъани — Осиё, Европа ва Африкани қамраб олган. Шу билан бирга, бошқа мамлакатларнинг ушбу тузилма билан у ёки бу форматда ўзаро ҳамкорликка қизиқиши тобора ўсиб борапти. ➡ 3

Биз ва жаҳон

Жорий йилда Шанхай ҳамкорлик ташкилоти ўзининг 25 йиллик юбилейини нишонламоқда.

Чорак аср давомида ушбу тузилма “Шанхай бешлиги” форматидаги чегараолди ишонч механизмидан Евроосиё маконидеги энг нуфузли ва кўп томонлама ҳамкорлик майдонларидан бирига

айланиш йўлини босиб ўтди. Ташкилот сафлари изчил кенгайиб бормоқда. Агар 2001 йилда унга 6 та давлат (Хитой, Россия, Қозғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Ўзбекистон) асос солган бўлса,

Барҳаёт сатрлар

Абдулла ОРИПОВ,
Ўзбекистон Қаҳрамони,
Ўзбекистон халқ шоири

ТУФИЛГАН КУН

Оҳорли дўптингни кийиб ол, ўғлим,
Дарвоза олдини сунур, келинжон.
Тортмамда турибди нафақа пулим,
Олинг болаларга совға бир жаҳон.

Тагин айтиб қўяй, унутма бунни,
Кампир, ҳамсоянга чиқартиргин ош.
Бугун Истиқлолнинг туғилган куни,
Бугун тантанана Давлат ўзи бош.

31 август — Катагон қурбонларини ёд этиш куни

ТАРИХИЙ АДОЛАТ ТАНТАНАСИ

Мамлакатимизда истиқлол йилларида тарихий ҳақиқатни қарор топшириш, хусусан, Ватанмиз озодлиги ва эркинлиги йўлида қурбон бўлган халқимиз фарзандлари номини тиклаш, уларнинг ҳаёти ва фаолиятини ўрганиш, тадқиқ ва тарғиб этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Қарийб бир аср аввал катагон сиёсатининг энг мудҳиш манзилларидан бири — Бўзсув бўйлари бугун тарихий хотира ва миллий қадриятлар масканига айланган.

Юнусободдаги “Шаҳидлар хотираси” ёдгорлик мажмуаси жойлашган маскандан сайёҳларнинг қадами узилмайди. Бу ерда Катагон қурбонлари хотираси давлат музейи ва мажмуанинг ёнма-ён жойлашгани катта маънавий аҳамиятга эга. Мазкур музейда не-не азобларга солинган минглаб аянчли тақдирлар ҳақидаги экспонатлар жой олган. ➡ 3

ЎЗБЕКИСТОН — ҲИНДИСТОН: КЕНГ ҚАМРОВЛИ СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИК ЯНГИ БОСҚИЧДА

(Давоми. Бошланishi 1-бетда).

Давлатимиз раҳбари Ҳиндистон Бош вазирининг Ўзбекистонда тарихий ташрифи катта аҳамиятга эга эканини алоҳида таъкидлади.

Ўзбекистон етакчиси ушбу сермаҳсул музокаралар давлатларимиз ўртасидаги самимий дўстлик, юксак ҳурмат ва ўзаро ишончнинг яна бир ёрқин ифодаси бўлганини қайд этди.

Ҳиндистон ҳамон миқёсида катта обрў-эътибор ва нуфузга эга бўлган ишончли ва салоҳиятли стратегик шерик экани эътироф этилди. Ҳиндистоннинг рақамли технологиялар, дастурий таъминот ва стартаплар соҳасидаги улкан ютуқлари юқори баҳоланди.

Шу сабаб ташрифга жиддий тайёр-гарпик кўрилди, салмоқли ҳужжатлар тўплами, жумладан, Қўшма баёнот қабул қилиниб, қатор ҳукуматлараро битимлар имзоланди.

Икки томонлама муносабатлар кенг қамровли стратегик шериклик босқичига кўтарилгани катта мамнуният билан қайд этилди.

Асосий эътибор иқтисодий масалаларга қаратилди. Ўтган йили ўзаро савдо айланмаси ҳажми 33 фоизга ўсиб, 1,3 миллиард долларни ташкил қилди. Ушбу ра-

камни 2030 йилга қадар 5 миллиард дол-

ларга етказиш режаси белгиланди.

Ташриф доирасида муҳим қўшма инвестиция лойиҳалари портфели ишлаб чиқилди. Бир қатор йирик ҳинд компаниялари билан аниқ келишувларга эришилди.

Мулоқотлар давомида энергетика, нодир минераллар, соғлиқни сақлаш, фармацевтика, электроника, машина-созлик, заргарлик ва қишлоқ ҳўжалиги соҳаларида ҳамкорликни кучайтириш учун янги “ўсиш нуқталари” белгилаб олингани маълум қилинди.

Халқро ва минтақавий майдонларда, жумладан, БМТ, ШХТ, Қўшимас-лик ҳаракати, БРИКС ва Глобал жануб мамлакатлари билан ҳамкорлик доира-сида ўзаро қўллаб-қувватлашни давом эттириш муҳимлиги таъкидланди.

Маданий-гуманитар алоқалар ҳақида сўз юритилар экан, юртимизда Ҳиндистоннинг 4 та олийгоҳи фаолият кўрса-таётгани ҳамда Лаъл Баҳодир Шастри ва Маҳатма Ганди номидаги марказ-лар самарали ишлаётгани эътироф этилди. Шунингдек, 30 кунлик визасиз тартиб ва ҳафтасига 14 марта амалга оширилаётган ҳаво қатновлари туризми-ни ривожлантиришга катта ҳисса қўишиши таъкидланди.

Давлатимиз раҳбари сўзининг яку-нида эришилган келишувлар ижросини тўлиқ таъминлаш мақсадида кенг қам-ровли “Йўл харитаси” ишлаб чиқи-лишини билдириб, ҳиндистонлик ҳамкас-би ва барча иштирокчиларга миннат-дорлик изҳор этди.

Ўзбекистон — Ҳиндистон олий дара-жадаги музокаралари якунлангач, бира-ликда дарахт экиш маросими бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Бош вазир На-рендра Модди Қўқсарой қароргоҳидаги Фахрий меҳмонлар хиббонаси дарахт экидилар.

Маросим мамлакатларимизнинг кўп қиррали муносабатларида янги босқич бошлангани ҳамда икки давлат ўртаси-даги дўстликни мустаҳкамлашга қатъий интилишнинг рамзи бўлди.

Шу куни Ҳиндистон Республикаси Бош вазири Нарендра Модди Ўзбекис-тон йога федерацияси томонидан таш-кил этилган махсус тадбирда қатнашди.

Ҳиндистон ҳукумати раҳбари ташрифи муносабати билан мажмуа медиаэкра-нида Ўзбекистон спорт жамоатчилиги но-мидан расмий табрик намойиш этилди.

Ташриф давомида Бош вазир ва унга ҳамроҳлик қилган расмийлар йога бил-лан шуғулланувчи ўзбекистонлик уста-

лар чиқишини кузатди. Дастур Ўзбекис-тон ёшлари ўртасида ушбу қадимий санъат тобора оммалашаётгани ва ри-вожланиш даражаси юқори эканини аққол намоён этди.

Меҳмонга Ҳиндистон ва Ўзбекистон ўртасидаги икки томонлама ҳамкорлик, шунингдек, 2026 йил июнь ойида Аҳмадобод шаҳрида бўлиб ўтган I Жа-ҳон йогасана чемпионатида Ўзбекистон терма жамоасининг муваффақиятли иштироки ҳақида видеоматериаллар намойиш этилди.

Ҳиндистон Республикаси Бош вази-ри Нарендра Модди таниқли ҳинд дав-лат арбоби Лаъл Баҳодир Шастри ёдгорлиги пойига гул қўйди.

Маълумки, юртимизнинг кўп асрлик бой тарихи ва дипломатик алоқалари негизида Ҳиндистон билан муносабат-лар алоҳида аҳамиятга эга.

Бугунги янги даврда сиёсий муло-қот, маданий-гуманитар алмашину-в ҳамда кўп қиррали иқтисодий алоқа-лар билан янада бойимокда.

Мустақил дўстлик ва тарихий хоти-ранинг ёрқин тимсолларидан бири эса Тошкент шаҳрининг Мирзо Улуғбек туманида жойлашган Лаъл Баҳодир Шастри кўчаси ва унинг мемориал мажмуасидир.

Мустақиллигимизнинг 35 йиллигига

ИСТИҚЛОЛ — УЛУҒ НЕЪМАТ

Уни асраш учун буюк халқ ва қудратли давлат зарур

Хар доим мустақиллиكنи икки даврга бўлиб ўрганиш лозим деган фикрни билдираман: муваффақиятлар қозонаётган замон — бу, шубҳасиз, Янги Ўзбекистон ислохотлари даври. Истиқлолнинг илк паллаларида асосий эътибор давлатимиз, сарҳадларимиз яхлитлиги ва тинчлигини сақлаб қолишга қаратилган бўлса, кейинги давр озод Ўзбекистоннинг ривожланиш босқичига айланди. Яъни бунёдкорлик ҳамда том маънодаги эркинлик гоъялари асосида давлатчилигимизнинг “Янги Ўзбекистон” деган омадли даврига қадам қўйдик.

Бутун дунёда турли низолар, ман-фаат пардасига ўралган тўқнашувлар, ҳатто давлатлар суверенитети, қад-риятларига раҳна солишлар авж олаётган бир шароитда Ўзбекистон-га чин миллат фарзанди, ҳар қандай мураккабликларни олдиндан сезади-ган, сиёсий иродали ва хатарларни тинчлик, музокаралар йўли билан ҳал қила оладиган инсоннинг раҳбарлик-ка келгани Яратгanning халқимизни қўлагани бўлди, десак, муболаға эмас.

Кенг қўламли ислохотлар даврида Янги Ўзбекистоннинг илк йиллари-даёқ миллий парламентаризмини куч-айтириш, мамлакатдаги турли қад-риятларига раҳна солишлар авж олаётган бир шароитда Ўзбекистон-га чин миллат фарзанди, ҳар қандай мураккабликларни олдиндан сезади-ган, сиёсий иродали ва хатарларни тинчлик, музокаралар йўли билан ҳал қила оладиган инсоннинг раҳбарлик-ка келгани Яратгanning халқимизни қўлагани бўлди, десак, муболаға эмас.

Бутун дунёда турли низолар, ман-фаат пардасига ўралган тўқнашувлар, ҳатто давлатлар суверенитети, қад-риятларига раҳна солишлар авж олаётган бир шароитда Ўзбекистон-га чин миллат фарзанди, ҳар қандай мураккабликларни олдиндан сезади-ган, сиёсий иродали ва хатарларни тинчлик, музокаралар йўли билан ҳал қила оладиган инсоннинг раҳбарлик-ка келгани Яратгanning халқимизни қўлагани бўлди, десак, муболаға эмас.

Бутун дунёда турли низолар, ман-фаат пардасига ўралган тўқнашувлар, ҳатто давлатлар суверенитети, қад-риятларига раҳна солишлар авж олаётган бир шароитда Ўзбекистон-га чин миллат фарзанди, ҳар қандай мураккабликларни олдиндан сезади-ган, сиёсий иродали ва хатарларни тинчлик, музокаралар йўли билан ҳал қила оладиган инсоннинг раҳбарлик-ка келгани Яратгanning халқимизни қўлагани бўлди, десак, муболаға эмас.

Бутун дунёда турли низолар, ман-фаат пардасига ўралган тўқнашувлар, ҳатто давлатлар суверенитети, қад-риятларига раҳна солишлар авж олаётган бир шароитда Ўзбекистон-га чин миллат фарзанди, ҳар қандай мураккабликларни олдиндан сезади-ган, сиёсий иродали ва хатарларни тинчлик, музокаралар йўли билан ҳал қила оладиган инсоннинг раҳбарлик-ка келгани Яратгanning халқимизни қўлагани бўлди, десак, муболаға эмас.

Фикр

Мустақиллик йилларида Конституциямиз қабул қилинди, миллий қонунчилик ва давлат бошқару-ви тизими яратилди. Миллий валюта, Қуролли Қуч-лар, мустақил ташки сиёсат ва халқро муноса-батлар тизими шакллантирилди. Буларнинг барчаси бугунги тараққиётимизнинг мустаҳкам сиёсий ва ҳуқуқий пойдевори бўлди.

Айниқса, 2017 йилдан бошлаб ислохотлар янги босқичга кўтарилди. Давлат фаолиятда “инсон — ҳамият — давлат” тамойили устувор аҳамият касб эта бошлади. Валюта бозори либерал-лаштирилди, солиқ, бохжона ва савдо тизимлари ислох қилинди, тадбиркорлик ва хусусий мулк учун кенг имкониятлар очилди. Халқ қабулхоналари, давлат хизматлари марказлари ва рақамли хиз-матлар давлат идораларини одамларга яқинлаш-тирди. Камбағаллики қисқартириш, аҳоли банд-лигини таъминлаш ва маҳалла даражасидаги му-аммоларни ҳал этиш давлат сиёсатининг муҳим йўналишига айланди.

Бироқ мустақилликнинг энг чуқур натижаси жа-мият тафаккурида намоён бўлмоқда. Бугун фуқа-ро фақат қабул қилинган қарорларнинг ижросиси эмас. У давлат хизматлари сифати, бюджет маб-

гани аллақачон исботлаб бўлди. Бунга сўнгги бир аср давомида иқтисодий ри-вожланган дунё ўзгаришлари ми-сол бўлиши мум-кин. Гарчи та-раққиётга эришган қўллаб-дастурлар-нинг иқтисодий имкониятлари яхши-ланиб, аҳолиси фаровон яшай бошла-ган бўлса-да, улар ўзлари билиб-бил-май қадриятларини бой бериб қўймоқ-да. Яъни ақсарияти миллий урф-ода-ларни эскилик сарғити деб қабул қилишди. Фарзандни дунёга келтириш, авлоднинг давом эттириш эса иқтисодий жиҳатдан ўзини оқламаган ҳаракат дея-ундан воз кечиш бошланди. Бошқача айтганда, инсонни том маънода бах-тли қилиши мумкин бўлган асосий ме-зонлардан иқтисодий манфаат нуқтаи назаридан юз ўтириляпти.

Ҳатто дунёнинг турли нуқталари-да инсон онгидан “Ватан” ва “Ўзлик” тушунчаларини чиқариб юборилга интиляётган қучлар пайдо бўлди. Уларнинг наздида: қорин тўқ бўлса бас, одам ўзи хоҳлаган нарсасига эришишни, шунинг ўзи етади, қолга-ни иккиламчидир.

“Миллий тикланиш” эса замона-вий, технологик ривожланишни қўллаб-қувватлаган ҳолда ҳар қандай тараққиёт миллийлик, ўзликини айир-сизлантириб қўйсак, боланинг қол-ган умри давомида қанчалик қучли тарғибот-ташвиқот қилинамсин, у ўз қарашларини ўзгартиролмайди. Шу-нинг учун ҳам болага шаклланиш да-врида нима учун Ватан, қадриятлар зарурлигини тушунирга олсак, бола-да онага, Ватанга, тил ва миллатга нисбатан меҳр шаклланади, асосий қўниммалар ҳосил бўлади. Бундай авлод эса бошқа миллат ва элатлар-га тегишли анъаналарни бекадр қилмаган ҳолда, ўз қадриятларини устувор бўлади.

Тан олайлик: ҳаёт инсониятнинг ҳузур-ҳаловатда яшаш учун факат иқтисодий неъматлар етарли эмасли-

ни энг катта бойлик сифатида қадр-лаш эса Янги Ўзбекистоннинг кела-жак пойдеворини янада мустаҳкам-лашга хизмат қилади.

Болаларнинг 6 ёшли тайёрлов гу-руҳларига қамрови қисқа мuddатда 100 фоизга олиб чиқилиши, хусусий богча ташкил қилиш бўйича мавжуд имтиёзлар сақлаб қолиниши ва барча мактаблар халқро баҳолаш дастури-лари билан тўлиқ қамраб олиниши, шубҳасиз, фарзандларимизни мактаб-га пухта тайёрлаш, улар учун сифатли таълим имкониятини кенгайтириш ва уни халқро мезонлар асосида оши-риб боришга хизмат қилади. Хусусий богчаларга имтиёزلарни сақлаш эса мактабга таълим қамровини кен-гайтириб, давлат ва хусусий сектор ҳамкорлигини кучайтиради.

Хали олдимизда жуда катта вази-фалар турйибди, ўзгариш ва янгила-нишлар йўлида ҳатто кескин бури-лишлардан ҳам ўтишимизга тўғри ке-лар. Лекин қийинчиликларга қарамай халқимиз ўз Етакчиси атрофида би-рлашиб, олий мақсад сари дадил одимламоқда. Ва бу йўлнинг бошла-ниши Янги Ўзбекистон ислохотлари бўлди. Айнан шу сабабли ҳам бу са-фарги Мустақиллик байрамини ўзга-ча кутиб оляймиз.

Истиқлолимизнинг навбатдаги му-ваффақиятли даври, шубҳасиз, жуда катта натижаларни ҳам олиб келмоқ-да: кейинги ўн йилда халқни рози қилиш давлат сиёсатида айланди, мамлакатимиз иқтисодиёти 2,5 ба-рорбардан зийдга ортиб, хорижий ин-вестиция микдори 160 млрд. доллар-дан ошди. Давлат ва хусусий сектор билан биргаликда 1 млн. 200 минг ўринли замонавий мактаблар, 342 минг ўринли богча ва 62 минг ўринли шифохоналар қурилди. Булар улкан ўзгаришлар занжирининг кичик бир ҳалқалари ҳолос.

Алишер ҚОДИРОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатасидаги “Миллий тикланиш”
демократик партияси
фракцияси раҳбари.

ИНСОН ҚАДРИ ВА ТАРАҚҚИЁТ МАСЪУЛИЯТИ

Мустақиллик — халқимизнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш, миллий манфаатларига таянган ҳолда эркин тараққий этиш ҳуқуқи. Шу маънода, мустақилликнинг энг катта тарихий натижаси Ўзбекистоннинг суверен, ўз давлатчилик йўли ва мустақил сиёсий иродасига эга давлат сифатида шаклланидир.

ШҲТ: ОЧИҚ, ПРАГМАТИК ВА ЎЗАРО МАНФААТЛИ ҲАМКОРЛИК ЙЎЛИДА

БМТ ва унинг ихтисослаштирилган тузилмалари, АСЕАН, МДҲ, КХШТ, ЕОИИ, СВМДА, Араб давлатлари лигаси сингари шерик ташкилотлар тармоғи изчил кенгайиб бораётгани ШҲТнинг халқаро обрў-эътиборини тобора оширмоқда.

Тузилма ўзининг амалий татбиқини кутаётган улкан транспорт ва транзит салоҳиятига эга. Глобал таъминот занжирлари диверсификацияси шароитида Евроосиёда Шарқ — Ғарб ва Шимол — Жануб йўналишлари бўйича янги халқаро темир йўл ҳамда автомобиль йўлакларини яратиш моҳиятатан стратегик аҳамият касб этмоқда. ШҲТ цивилизациялараро мулоқот ва маданий-гуманитар ҳамкорликни мустаҳкамлаш учун истиқболли платформа ҳисобланади. Ушбу йўналишнинг долзарблиги дунёда ишонсизлик ва антагонистик кайфиятларнинг кучайиб бораётгани шароитида, айниқса, ортаётир. Ҳар бири бой тарих ва ноёб маданий меросга эга бўлган мамлакатларнинг бир ташкилот фаолиятида иштирок этиши ва жипслашиши Евроосиёда ўзаро тушуниш ва ҳамкорлик руҳини мустаҳкамлашга кўмаклашмоқда.

2017 йилдан буён кузатилаётган янги Марказий Осиё жараёнининг ШҲТ томонидан қўллаб-қувватланиши, шубҳасиз, минтақанинг ўзи учун ҳам, ташкилот худудининг барқарорлик, ўзаро манфаатли тараққиёт ва самарали ҳамкорлик маконига айланиши учун ҳам жуда муҳим аҳамиятга эга. Шу нуктаи назардан, халқаро сиёсий сўзлашувда нисбатан яқинда пайдо бўлган "Марказий Осиё руҳи" атамаси ташкилотнинг доктринал асосини, яъни "Шанхай руҳи"ни мустаҳкамлайди ва бойитади, деб ҳисоблаш учун барча асослар мавжуд.

ШҲТнинг тамал тошини қўйган асосчи давлатлардан бири бўлган Ўзбекистон ташкилот фаолиятига салмоқли амалий ҳисса қўшиб келаятгани эътиборга молик. Мамлакатимиз ташкилотда 4 мартаба раислик қилган ва Тошкент (2004, 2010, 2016 йиллар) ҳамда Самарқанд (2022 йил) саммитларини муваффақиятли ўтказган. Бугунги кунда расмий Тошкент ШҲТнинг долзарб кун тартибиди шакллантиришда фаол иштирок этиб, эътиборни хавфсизлик, иқтисодиёт, саноат кооперацияси, рақамлаштириш, иқлим ва гуманитар алоқаларга қаратмоқда.

ШҲТ Ўзбекистон учун, аввало, савдон кенгайтириш, инвестиция жалб қилиш, саноат кооперацияси ва мустаҳкам транспорт-логистика занжирларини шакллантириш бўйича самарали майдон, десак, янгилашмаган бўлмай. Мисол-



ларга мурожаат қилайлик. 2025 йилда Ўзбекистоннинг ШҲТга аъзо давлатлар билан ташқи савдо айланмаси 81,2 млрд. долларга етди (йиллик ўсish 20,7 фоиз). Ташқи савдонинг қарийб 43 фоизи асосий ҳамкорлар — Хитой, Россия ва Қозоғистон ҳиссасига тўғри келади.

Ўзбекистон ҳамisha ҳамжамият фаолиятини кучайтириш ва кенгайтириш йўлида ўз ташаббусларини илгари суриб келади. Расмий Тошкентнинг бохжона ва техник стандартларни мувофиқлаштириш, "яшил" йўлакларни ишга тушириш, миллий валюталардаги ҳисоб-китобларни кенгайтириш ҳамда ўзаро савдони соддалаштириш, махсулотларни чуқур қайта ишлаш ва глобал қиймат занжирларига кириш каби ташаббуслари шериклар томонидан қизғин қўллаб-қувватланаётир.

Муҳим масалалардан бири — транспорт инфратузилмасини ривожлантириш. Амалга оширилаётган Хитой — Қирғизистон — Ўзбекистон темир йўлини барпо этиш лойиҳаси ва уни Трансафғон коридори (Термиз — Мозори-Шариф — Кобул — Пешавор) билан боғлаш истиқболли Хитой, Марказий ва Жанубий Осиё ўртасидаги энг қисқа транзит йўлагини яратади. Бу эса "ШҲТнинг ягона транспорт макони"ни шакллантириш демек.

"Уч ёвуз куч" (терроризм, сепаратизм, экстремизм), уюшган жиноятчилик ва наркотрафикка қарши курашда ШҲТнинг Тошкентдаги Минтақавий аксилтеррор тузилмаси (МАТТ) муҳим роль ўйнаб келмоқда. Бугунги кунда унинг доирасида хавфсизлик концепцияси модернизация босқичида бўлиб, Тошкентдаги МАТТ Ижроия қўмитаси хавфсизлик таҳдидлари ва чақириларига қарши курашиш бўйича универсал марказга айланмоқда. Ушбу архитектура Бишкекдаги Уюшган жиноятчиликка қарши кураш маркази ва Душанбедаги Наркотика қарши кураш маркази тўлдирди. Ўзбекистон томонидан 2022 йилда Умумий хавфсизлик ва фаровонлик учун бирдамлик бўйича Самарқанд ташаббуси илгари сурилди; 2023 йилда ШҲТнинг Яқини қўшничилик, ишонч ва чегаралараро шериклик кодексини ишлаб чиқиш таклифи берилди; 2025 йилда эса ШҲТнинг Ядро хавфсизлиги бўйича декларациясини қабул қилиш таклиф этилди.

2021 йилда Рақамли таҳдидларга қарши Ахборот хавфсизлиги

бўйича эксперт форуми тузилди. 2025 йилги Тяньцзинь саммитида эса Ўзбекистон сунъий интеллект соҳасида ягона этика ва киберҳимоя стандартларини ишлаб чиқиш учун Сунъий интеллект бўйича халқаро экспертлар кенгашини тузиш ташаббуси билан чиқди. Расмий Тошкент расмий Кобулни регионал иқтисодий ва инфратузилмавий лойиҳаларга жалб этиш учун "ШҲТ — Афғонистон" мулоқот гуруҳи фаолиятини қайта тиклашга чақирмоқда. Ўзбекистоннинг ШҲТ маконидаги ўзаро боғлиқлик стратегияси Афғонистоннинг бутун Евроосиё учун ноёб иқтисодий ва транзит ролини тиклашга ҳам хизмат қилади. Зеро, Афғонистон минтақада узоқ муддатли хавфсизлик ва барқарорлик-

ридан бири сифатида кўрсата олди. Мамлакатимиз илгари сураётган барча ташаббуслар амалий хусусиятга эга бўлиб, ташкилотга аъзо сифатида барча давлатларнинг туб манфаатларига тўлиқ жавоб беради. Расмий Тошкентнинг қатъий позицияси шундан иборатки, ШҲТ очиқликни сақлаши, сиёсий қарама-қаршиликлардан холи бўлиши ва ҳамisha "Шанхай руҳи" тамойилларига таяниши лозим. Айнан шундай изчил курс Евроосиё маконини барқарорлик, ўзаро ишонч ва фаровонлик ҳудудига айлантиришга хизмат қилади.

Бугун ШҲТ салмоқли табиий ресурслар, технологик ва интеллектуал салоҳиятга эга бўлган ҳолда ўзининг асосий мақсадлари сари

ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ДАЛАДА СИНОВДАН ЎТАДИ

Аграр соҳадаги ҳар бир илмий тадқиқот далада, тупроқда юқори натижа кўрсатсагина қадр топади, жамиятга даромад келтиради. Акс ҳолда, қоғозларда қолиб кетадиган илмий ютуқ пуфакдек гап, бу ёзилмининг ҳеч кимга кераги йўқ.

Ташаббус

Ўсимликлар генетик ресурслари илмий-тадқиқот институти директори Тошкент вилоятидаги "ГТГ АГРО" МЧЖ кластери билан ўзаро ҳамкорлик битими тузилган маҳал юқоридаги мулоҳазани айтган эди.

Мана, бир йилдирки, институт олимлари кластер даласида 1,5 минг гектар майдондаги маҳаллий ва хорижий бугдой навларининг саноат уруғчилиги ҳамда уларни юқори интенсивс технологиялар асосида еттиштириш ва уруғларни тайёрлаш борасида илмий-амалий маслаҳатлар бермоқда. Олинган самара 1 млрд. сўмдан ортиқ. Шунингдек, ўзаро шартномага кўра 5 гектар ерда маҳаллий шароитларда яратилган юқори ҳосили ҳамда сариқ занг касаллигига чидамли кузги бугдойнинг "Шараф 100", "Чакмоқ", "Аср" ва "Обод" навларининг бирламчи уруғчилиги ташкил қилинган.

Аслида, бу даргоҳ шунчаки институт эмас, Ўзбекистондаги дунё эътироф этган ягона ўсимликлар генбанкидир. Институтининг Андижон илмий-тажриба станциясида кўп йиллик 5 кил меваги даракт ниҳолларнинг 1 108 та, Сурхондарё илмий-тажриба станцияси дала генбанкида жами 1 755 та, жумладан, уруғ меваги экинларнинг 204 та, данак меваги экинларнинг 378 та, ёнғоқ меваги экинларнинг 98 та, субтропик меваги экинларнинг 40 та ҳамда ўзумнинг 1 035 та намунаси тирик ҳолда сақланмоқда.

Кишлоқ хўжалиги тизимидаги барча илмий изланишлар мана шу даргоҳдан бошланиб, шу ерда эътироф топади. Рақамлар бунга яққол исбот. Институт тажриба даласидан анорнинг 38 та, олхўрининг 46 та, кузги ўшмоқ бугдойнинг 30 та (90 та тажриба бирлиги), нўхат ва ерёнғоқнинг 30 та ҳамда мошининг 70 та истиқболли нав намуналари ўрин олган ва олимлар томонидан ўрганилмоқда. Шунингдек, кунгабоқарнинг 15 та, ерёнғоқнинг 290 та, кунжутнинг 250 та, масхарнинг 100 та, зигирнинг

70 нав намуналари ҳам генетик намуна сифатида олимлар эътиборида. Ўзлаб илм масканлари билан ҳамкорлик ўрнатган институтининг Тошкент вилоятидаги йирик кластер билан узвий алоқага киришгани эса ютуқларни қаррасига кўпайтиради.

Илм даргоҳининг халқаро ҳамкорлик йўналишидаги фаолияти ҳақида директор Зафар Зиёев шундай дейди: — Давлатимиз раҳбарининг илм-фанга бекиёс эътибори халқаро ҳамкорлик борасидаги фаолиятимизга қанот бағишламоқда. Хусусан, Нидерландиянинг Ўсимликлар генетик ресурслари маркази билан 2026 — 2030 йилларга мўлжалланган 100 минг евролик қўшма лойиҳа ижросига киришдик. Шунга мувофиқ яқинда Нурота ва Хисор тоғ тизмаларига қўшма халқаро экспедиция ташкил қилдик ҳамда ёввойи пиёзларнинг ноёб турлари йиғилди. "СГН & WYP" марказида рақамли паспортлаш, МАС-селекция ва криосақлаш бўйича тажриба оширилди. Маккажўхори ҳамда кунгабоқар уруғчилиги лойиҳаси доирасида 34,8 минг АҚШ доллари қийматидаги замонавий кишлоқ хўжалиги техникалари Хитойдан институти-мизга оlib келинди. Шу йилнинг октябрь ойида "ГЕФ-ФАО-ИКАРДА" билан 3 млн. долларлик "Ўзбекистонда экотизим хизматларини яхшилаш ва биологик хилмахилликни сақлаш учун интеграциялашган табиий ресурсларни бошқариш" деб номланган янги халқаро лойиҳа ижросига киришамиз.

Айни пайтда олимларимиз Италиянинг Павия университети ва Бутунроссия мойли экинлар илмий-тадқиқот маркази билан 5 йиллик битимларни бажаришга киришган. Бу давлатимиз раҳбарининг Ўзбекистон салоҳиятини, шон-шухратини дунёга олиб чиқаётгани шарофатидир. Чунки илгари хориж билан ҳамкорлик қўламининг бу қадар кенг ва залварли бўлишини ақлга сийдириб бўлмасди. Бугун эса ҳамма орзулар — ёшларимиз интилиши, олимларимиз изланишларида ўз аксини топаётир.

Абдунаби АЛИҚУЛОВ («Халқ сўзи»).

ТАРИХИЙ АДОЛАТ ТАНТАНАСИ

Улардан бири одамлар юрагига кўркув солган, оддий халқ "Ўлим машинаси" деб ном қўйган "Қора қарга" номли автомобилдир. Бу ноёб ва асл нуسخадаги экспонатда олиб кетилган одам уйига қайтмаган.

Мустақиллигимизнинг ўттиз беш йиллиги муносабати билан музейнинг реконструкция қилингани тарихий хотирани асраш ва уни келажак авлодга етказишда замонавий технологиялардан самарали фойдаланиш имкониятини яратди. Янги музей экспозициясида ҳам қатагон даври воқеалари ва тарихий ашёлар билан бир қаторда, миллий уйғониш жараёни, маърифатпарварлик ҳаракати ва миллат фидойиларининг илмий-иждоий меросини кенг ёритишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Зеро, ўша давр зиёлилари халқнинг келажагини, аввало, илм-маърифатда, замонавий таълимда, миллий ўзлигини англашда ва эркин фикрда кўрганлар. Улар жамият тараққиёт этиши учун инсон билимли бўлиши, ёшлар замонавий илмларни эгаллаши, миллат эса ўз тарихи ва қадриятларини англаш керак, деган ғояларни илгари сурган. Бугун биз уларнинг меросини ёдга олиш билан чекланиб қолмасдан, илмга, маърифатга, Ватан ва миллат тақдирига бўлган муносабатини келажак авлодга етказишга ҳаракат қилаямиз.

Олий судда муайян сабабларга кўра реабилитация қилинмай қолган қатагон қурбонларининг номини оқлаш ва уларнинг хотирасини абадийлаштириш масалалари бўйича ишчи гуруҳ ташкил этилган. Бу ишлар натижасида сўнгги йилларда 1 381 нафар ватандошимиз реабилитация қилиниб, оқланди. 2026 йил 6 май куни Олий судда бўлиб ўтган очиқ суд мажлисларида эса 8 та жиноят иши бўйича 161 нафар шахсга нисбатан оқлов ҳукмлари чиқарилиши тарихий адолатни тиклаш йўлидаги яна бир муҳим қадам бўлди. Улар орасида оддий уй бекалари, зиёлилар ва турли касб эгалари бор. Чунки қатагон сиёсати даврида ноҳақ таъқиб ва жазолар фақат эркакларга эмас, аёлларга нисбатан ҳам қўлланилган. Ўша фалокатда ҳўлу қуруқ баравар



тўғарагини ташкил этиб, қизларга ўзбек тилидан дарс берган. Кейинчалик турмуш ўртоғи Ўринбой Ашуров "халқ душмани" сифатида ҳибсга олинган, Кимёхон ая ҳам "халқ душманининг хотини" сифатида сургун қилинган. Ундан турмуш ўртоғига қарши кўрсатма беришни талаб этишган, тайёрлаб қўйилган баённомаларга имзо қўйишга мажбурлашган. Кимёхон ая эса эрини айбловчи тўхматларга имзо қўйишдан бош тортган. У 5 йилга озодликдан маҳрум қилиниб, Красноярск ўлкаси-га юборилган.

Раҳима Исмолованинг қисмати ҳам жуда огир кечган. У 1917 йилда деҳқон оиласида туғилган, ёшлигидан илмга қизиққан, кишлоқдаги катта ёшли аёлларнинг ҳам саводли бўлишига кўмаклашган. Кейин раҳбарлик лавозимига кўтарилиб, ёшлар ва хотин-қизлар билан ишлаган. Аммо 1938 йилда уйи тинтув қилиниб, ҳибсга олинди. Саккиз ой давомида оғир тергов ва қийноқларни бошидан кечиради. Кейин 8 йил меҳнат-қамоқ лагерига юборилиб, узоқ Шимолда оғир меҳнат шароитида жазо ўтади.

Райхон Хўжаеванинг ҳам аянчли тақдири-ни тилга олмасак бўлмайди, у — Файзулла Хўжаевнинг онаси. Кекса онахон бўлишига қарамай, у ўгли "халқ душмани" деб топилгани учун ҳибсга олинган. Терговда ундан Файзулланнинг гўёки "аксиниклибий миллатчилик ташкилоти" аъзоси эканини тасдиқлашга уринишган. Хатто тергов баённомасида унинг бармоқ изи қолдирилган.

Руқия Хўжаеванинг тақдири эса янада аянчли. У маърифатли оилада тарбияланган. Европада таълим олган ўзбек қизларидан бири эди. Аммо 1937 йилда у суд-

ёнган. Фожаи кўлами катта бўлгани учун далил сифатида фактларни келтирмоқчимиз.

Масалан, Кимёхон Ашуровани оилалик. У ўз даврининг маърифатли, фаол хотин-қизларидан бири эди. 1925 йилда Марғилонда хотин-қизлар ўртаги Ўринбой Ашуров "халқ душмани" сифатида ҳибсга олинган, Кимёхон ая ҳам "халқ душманининг хотини" сифатида сургун қилинган. Ундан турмуш ўртоғига қарши кўрсатма беришни талаб этишган, тайёрлаб қўйилган баённомаларга имзо қўйишга мажбурлашган. Кимёхон ая эса эрини айбловчи тўхматларга имзо қўйишдан бош тортган. У 5 йилга озодликдан маҳрум қилиниб, Красноярск ўлкаси-га юборилган.

Раҳима Исмолованинг қисмати ҳам жуда огир кечган. У 1917 йилда деҳқон оиласида туғилган, ёшлигидан илмга қизиққан, кишлоқдаги катта ёшли аёлларнинг ҳам саводли бўлишига кўмаклашган. Кейин раҳбарлик лавозимига кўтарилиб, ёшлар ва хотин-қизлар билан ишлаган. Аммо 1938 йилда уйи тинтув қилиниб, ҳибсга олинди. Саккиз ой давомида оғир тергов ва қийноқларни бошидан кечиради. Кейин 8 йил меҳнат-қамоқ лагерига юборилиб, узоқ Шимолда оғир меҳнат шароитида жазо ўтади.

Райхон Хўжаеванинг ҳам аянчли тақдири-ни тилга олмасак бўлмайди, у — Файзулла Хўжаевнинг онаси. Кекса онахон бўлишига қарамай, у ўгли "халқ душмани" деб топилгани учун ҳибсга олинган. Терговда ундан Файзулланнинг гўёки "аксиниклибий миллатчилик ташкилоти" аъзоси эканини тасдиқлашга уринишган. Хатто тергов баённомасида унинг бармоқ изи қолдирилган.

Руқия Хўжаеванинг тақдири эса янада аянчли. У маърифатли оилада тарбияланган. Европада таълим олган ўзбек қизларидан бири эди. Аммо 1937 йилда у суд-

сиз, терговсиз, "учлик" қарори билан отува ҳукм қилинган. Қарор чиқарилгунига қадар беш ойдан ортиқ НКВД қамоғида қийноқларда сақланган ва 29 ёшида отиб ташланган. Энг ачинарлиси, унинг ҳақиқий тақдири оиласидан узоқ йиллар сир тутилган.

Марям Султонмуродова, Хайриниса Ма-жидхонова каби ёш қизлар ҳам замонавий таълим олиш учун Германияга борган эди. Марям Берлин ва Дармштадтда таълим олди, кейин юртига қайтиб таълим ва маърифат соҳасида фаолият юритди. Лекин унинг хорижда ўқигани ва уёқдаги таниш-билишлари кейинчалик унга қарши айблов сифатида ишлатилди. Марям 10 йиллик қамоқ жазосига ҳукм қилинди. 1947 йилда озодликка чиққан, аммо 1949 йилда яна қамалди. Кейинчалик унинг иши қайта кўриб чиқилиб, жиноят таркиби йўқлиги аниқланди. Улар орасида Раҳ-баи Ниса Гафурбаева ҳам бор. У 1894 йилда Фарғона шаҳрида туғилган, оддий уй бекаси бўлган. Шунга қарамадан, 1920 йилда Жи-ноят кодексининг 58, 59 ва 66-моддалари билан айбланиб, 3 йил муддатга қонцагер-га юбориш жазосига ҳукм қилинган. Рўйхат-да Марзия Худайназарова ҳам бор. У 1870 йилда Поп туманининг Чоркесар қиш-логиди туғилган, уй бекаси, деҳқон бўлган. Жиноят кодексининг 78-моддаси билан ай-бланиб, отувга ҳукм қилинган.

Қатагоннинг зарбаси фақат аёлнинг ўзи билан чекланмаган. Уларнинг уйида, албат-та, тинтув ўтказилиб, "шахсан унга тегишли мол-мулк" давлат фойдасига мусодара этил-ган, яқин кишилари ишдан ҳайдалган. Фар-зандлари эса ота-онасидан ажратилиб, мах-суқ болалар уйларига юборилган. Бунинг фо-жисини Кимёхон Ашурова мисолида уч қиза-лоқнинг онаси қамоққа ташлангани, Райхон Хўжаева тақдирида кекса онанинг ўғли учун жавобгарликка тортилганлигиди кўриш мумкин. Руқия Хўжаева ва Марям Султонму-родова тақдири билимли, Ватан тараққиёти учун хизмат қилишни истаган ёш қизлар ҳам қатагондан четда қолмаганини кўрсатади. Му-зейимиз томонидан чоп этилган қўллаб ки-



Аксел МУХАММАДОВ ошгон сурати

тобларда булар ҳақида батафсил маълумотлар келтирилган.

Давлатимиз раҳбарининг 2020 йил 8 октябрдаги "Қатагон қурбонларининг меросини янада чуқур ўрганиш ва улар хотирасини абадийлаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармойишига биноан қатагон қурбонларини вилоят, туман ва шаҳарлар бўйича нома-ном аниқлаш, авлодлари ва яқинлари, ўша давр воқеаларини чуқур биладиган кишиларнинг хотираларини ёзиб олиш, оилавий архив ва кутубхоналарда сақланаётган тарихий материаллар ҳамда ноёб суратларни тўплашга ҳаракат қилаямиз.

Юртимиз бўйлаб Қатагон қурбонлари хотираси музейлари фаолият юритмоқда. Масалан, Хоразмдаги музей ходимлари экспедициялар ўтказиб, архив ҳужжатлари, аҳолининг оғзаки хотиралари, тарихий йўналиш ва бошқа материалларни йиққан. Бу изланишлар натижасида минглаб ҳужжат ва экспонатлар жамланган. Бошқа вилоятлардан ҳам ота-бобоси қатагон қилинганини биладиган, аммо унинг тақдири ҳақида тўлиқ маълумотга


эга бўлмаган ёки оқланишини кутиб яшаётган юртдошларимиз музейларга мурожаат этишлари жуда муҳим. Чунки баъзан оилада сақланиб қолган битта сурат, хат, гувоҳнома, эски ҳужжат ёки оғзаки хотиранинг ўзи архивдан янги маълумот излаш учун муҳим асос бўлиши мумкин. Бу борада таълим муассасалари, маҳаллалар, архивлар ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликни йўлга қўйганмиз. Олдимизда қолганларини излаб топиш, аниқлаш, хотирасини абадийлаштиришдек катта, оғир, лекин хайрли вазифа турбиди.

Бу ёрғу ва дориламон кўнлар йўлида қурбон бўлганлар руҳини шод қилиш, тинч-осо-йишта замоннинг қадрига етиш, шукроналик туйғуларини ҳис этиш бизга катта қувват бағишлайди, руҳиятимизни поклаб, янги-янги бунёдкорлик ишларига қорлайди. Зеро, озод-лик учун курашган инсонлар хотираси ҳеч қачон унутилмайди, халқимиз қалбига мангу яшайди.

Бахтиёр ҲАСАНОВ, Қатагон қурбонлари хотираси давлат музейи директори.

ТУРИЗМ РИВОЖИ ЖАҲОН ДАРАЖАСИГА КЎТАРИЛМОҚДА

Давлатимиз раҳбарининг Хива шаҳрида тадбиркорлар билан ўтказган очиқ мулоқотида туризм соҳасини ривожлантиришга қаратилган кенг кўламли имтиёзлар эълон қилинди. Улар нафақат Хоразм вилояти, балки бутун мамлакат, жумладан, Самарқанднинг туризм салоҳиятини янада ошириш учун ҳам муҳим аҳамиятга эга.



Аёнки, Самарқанд Ўзбекистон туризмининг байроқдори сифатида алоҳида ўрин тутди. Тарихий обидалар ҳамда маданий меросга бой ушбу шаҳар сайёҳлар орасида доимо юқори талабга эга бўлиб келган. Биргина ўтган йили мамлакатимизга 11,7 миллион хорижий сайёҳ ташриф буюрган бўлса, улардан салмоқли қисми Самарқандга келган. Шу маънода, Президентимизнинг ушбу вилоятга 6 миллион сайёҳни жалб қилиш мақсади бугунги кунда амалий ишлар билан қўллаб-қувватланмоқда.

Кейинги йилларда мазкур ҳудудда туризм инфратузилмасини ривожлантириш бўйича кенг кўламли тадбирлар олиб борилди. Хусусан, 2022 йилда қурил-

рилиши ҳамда утилизация йиғими олиниб, тадбиркорларга сайёҳларни ташқи паркинни янгилашда қўл келади.

Бугунги кунда Самарқанддаги 13 та тарихий кўча пйедалар зонасига айлантирилмоқда. «Оҳалик — Оқбуиро — Миронкул» турист-рекреацион зонасини кенгайтириш учун 14,3 млрд. сўм, Нурбўлоқ шаҳрини курорт марказига айлантириш учун эса 32 млрд. сўм ажратилган. Самарқанд инфратузилмаси модернизациясига 1,2 трлн. сўм йўналтирилмоқда.



ган «Буюк Ипак йўли» халқаро туризм маркази вилоятнинг жаҳон даражасидаги марказ сифатидаги макени янада мустаҳкамлади. Шунингдек, меҳмонхона ва оилавий меҳмон уйлари қурилишига 570 млрд. сўм сарфланган бу борадаги ишлар қамрови катта эканини кўрсатади.

Тадбиркорлар билан очиқ мулоқотда эълон қилинган навбатдаги имтиёзлар эса самарқандлик тадбиркорлар учун ҳам янги уфқларни очиши билан аҳамиятлидир.

Масалан, меҳмонхона бизнеси учун 50 млн. доллар миқдоридаги кредит ресурслари, 10 йил муддатга йиллик 16 фоиз ставкада миллий валютада бериладиган кредитлар бу ерда янги меҳмонхоналар қуриш ҳамда мавжудларини реконструкциялаш учун катта имконият яратди.

Айни пайтда кимё фанлари тизимида 20 та мустақил фан мавжуд. Биз ҳатто уларнинг илмий таснифини ҳам ишлаб чиққанмиз. Гарчи кимё нисбатан ёш фан ҳисобланса-да, инсон кимёвий жараёнлар билан қадим замонлардан буён

«Самарқанд мероси йўли» лойиҳаси доирасида Регистон, Бибиҳоним, Шоҳи Зинда ҳамда Мирзо Улуғбек расадхонаси 6,6 километрик ягона туристик маршрут орқали боғланади. Янги «Ипак йўли» музейининг қурилиши эса шаҳарнинг маданий-туристик жозибадорлигини янада оширади.

Албатта, туризм ривожини жадаллаштириш мақсадида жорий йилда вилоятда 20 та янги меҳмонхона, 96 та меҳмон уйи ва 38 та хостел ташкил этилиши режалаштирилган. Буларнинг барчаси давлатимиз томонидан яратиб берилаётган имтиёزلардан тадбиркорлар унумли фойдаланаётганини кўрсатади.

Дарвоқе, давлатимиз раҳбарининг тадбиркорлар билан учрашувда эълон қилинган имтиёзлар фақат бир ҳудудга эмас, балки бутун мамлакат туризм соҳасига қаратилган тизимли ислохотларнинг мантиқий давоми. Чунки имтиёزلарнинг муддати 2030 йилгача узайтирилиши тадбиркорларга узоқ муддатли режалар тузиш имконини беради. Бу, айниқса, Самарқанд каби йирик инвестициялар талаб этадиган туристик шаҳар учун муҳим.

Ҳар доим тадбиркорлар билан очиқ мулоқотларда эълон қилинган имтиёзлар мамлакатимиз туризмини ривожини учун янги саҳифа очмоқда. Бу эса юртимизга сайёҳларни жалб этиш бўйича олдимизга қўйилган маррани забт қилишда муҳим аҳамият касб этади.

Муҳсинжон ХОЛМУҲАМЕДОВ,
«Ипак йўли» туризм ва маданий мерос халқаро университети ректори вазифасини бажарувчи.

КИМЁ ФАНИНИНГ ИСТИҚБОЛЛИ ЙЎНАЛИШЛАРИГА АСОС СОЛИНДИ

Бугунги суҳбатдошимиз мамлакатимиз илм-фани тараққиётига бекиёс ҳисса қўшган таниқли олим — кимё фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ихтирочи Иброҳимжон АСҚАРОВ. У кимё илмининг замонавий ютуқларини халқ таъбири аъналарини билан уйғунлаштириб, бутунлай янги илмий йўналишга асос солган олим сифатида кенг эътироф этилган.

Бизнинг суҳбат

— **Иброҳимжон Раҳмонович, мамлакатимизда кимё фанининг бугунги тараққиётини қандай баҳолайсиз?**

— Таққослаш учун айташ жоизки, 2014 йилда «Ўзбекистон кимёгарлари» номли китобим нашр этилиб, унда 110 нафар олим ҳақида маълумот жамланган эди. Бугунги кунга келиб, фақат кимё ва техника фанлари соҳасидаги фан докторлари сони 261 нафарга етди. Бу, шубҳасиз, илм-фан тараққиётининг юксак суръатларидан далолат беради.

Бундай юксалишнинг энг асосий омилли — Президентимиз Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида илм-фанга қаратилаётган юксак эътибор ва яратилган кенг имкониятлардир. Олимлар учун илмий тадқиқотлар олиб боришнинг мустаҳкам ҳуқуқий ва моддий асослари яратилди, илм-фани кўллаб-қувватлашга қаратилган кўплаб фармон ва қарорлар қабул қилинди.

Мен дунёнинг 28 мамлакатиди бўлганман. Албатта, уларда ҳам илм-фан ривожланган. Бироқ олимларга Ўзбекистондагидек юксак эътибор ва кенг кўламли кўллаб-қувватлашни бошқа ҳеч қаерда учратмадим.

Сўнгги ўн йил ичида илм-фан ходимларининг меҳнат ҳақи бир неча баробар ошди. Масалан, олий таълим муассасасида фаолият юритаётган профессор бугунги кунда 25 — 30 миллион сўм маош олмақда. Илгари эса ойлик маошимиз 5 миллион сўм атрофида эди. Шу боис кўплаб малакали мутахассислар хорижга кетишга мажбур бўлган. Бугун эса мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларни теран англаган олимлар Ватанга қайтиб, унинг равнақи йўлида самарали меҳнат қилмоқда.

Айни пайтда кимё фанлари тизимида 20 та мустақил фан мавжуд. Биз ҳатто уларнинг илмий таснифини ҳам ишлаб чиққанмиз. Гарчи кимё нисбатан ёш фан ҳисобланса-да, инсон кимёвий жараёнлар билан қадим замонлардан буён

РЕКЛАМА



шугулланиб келади. Ёш бўлгани фақат унинг акадeмик фан сифатида шаклланибдир. Кимё фани кейинчалик ноорганик, органик, аналитик, физик кимё, электрокимё каби мустақил соҳаларга ажралди. Ноорганик кимё фани асосчилари сифатида Гемфри Дэви ва Жон Дальтон эътироф этилади. Аналитик кимёнинг асосчиси немис олими Роберт Бойль ҳисобланади. 1806 йилда швед олими Йенс Якоб Берцелиус органик кимёни умумий кимёдан мустақил йўналиш сифатида ажратиб, «органик кимё» атамасини илмий муомалага киритди. Ана шундай тарзда ҳар 50, 100 ёки 200 йил давомида илм-фанининг янги тармоқлари пайдо бўлиб борган.

1997 йилда академик Тўхтапўлат Рихсиев билан ҳамкорликда кимё фанининг мутлақо янги йўналиши — товарлар кимёсини тақлиф этдик. Ҳар қандай товар муайян кимёвий таркибга эга бўлади ва унинг илмий таҳлили Ўзбекистонда 50 нафардан зиёд фан докторлари ҳамда қарийб 100 нафар фан номзоди ва фалсафа докторлари (PhD)ни тайёрлаш учун мустаҳкам илмий замин яратди. Кейинчалик ушбу йўналиш бўйича кимё ва техника фанлари соҳасида илмий даража ҳамда илмий унвонлар берила бошланди. Бугунги кунда товарлар кимёси бўйича тадқиқотлар дунёнинг 50 дан ортиқ мамлакатларида олиб борилмоқда ва улар айнан биз ишлаб чиққан илмий таснифга таянади.

Товарлар кимёси инсон ҳар кун фойдаланадиган маҳсулотларнинг кимёвий таркиби, хоссалари ва хавфсизлигини ўрганади. Бу йўналиш маҳсулотлар сифатини назорат қилиш, қалбаки маҳсулотлар ва хомашёдаги нуқсонларни аниқлаш, токсинлар ҳамда оғир металллар миқдорини текшириш имконини беради. Шунингдек, маҳсулотларни

сертификатлаш, божхона ва давлат стандартлари учун экспертизадан ўтказиш, янги маҳсулотлар яратиш, маиший кимё воситалари ва косметика таркибини такомиллаштириш, маҳсулотларни тўғри сақлаш ҳамда уларни омборларда бузилиши, могорлаш ва коррозиядан муҳофаза қилишда муҳим аҳамият касб этади.

— **Сўнгги илмий тадқиқотларингиз ҳақида сўзлаб берсангиз.**

— Жорий йилда шогирдим, кимё фанлари доктори, профессор Миржалол Мўминжонов билан ҳамкорликда янги илмий ихтисослик — «Кимёвий ва технология жараёнларини моделлаштириш» йўналишини тақлиф этдик. Бугунги кунда мазкур йўналиш дунёда ҳали алоҳида илмий ихтисослик сифатида расман мавжуд эмас.

Бундай моделлаштириш қандай имкониятлар беради? Бу соҳадаги тадқиқотлар, жумладан, Ўзбекистонда ҳам олиб борилмоқда. Ушбу

“Товарлар кимёси” ихтисослигининг 50 дан ортиқ мамлакатлар амалиётига жорий этилиши натижасида товарларни уларнинг кимёвий таркиби асосида таснифлаш тизими яратилди. Унинг қўлланилиши Ўзбекистон иқтисодиётига 500 миллиард сўмдан зиёд самара келтирди. “Кимёвий ва технология жараёнларини моделлаштириш” ихтисослиги эса Президентимизнинг “Янги авлод илмий кадрларини тайёрлаш ва уларни аттестация қилиш тизимини такомиллаштириш тўғрисида”ги Фармонида белгиланган устувор йўналишларга мувофиқ ишлаб чиқилди ва тасдиқланди.

йўналишда академик С. Юнусов номидаги Ўсимлик моддалари кимёси институти, академик А. Содиков номидаги Биоорганик кимё институти, Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети, Заҳириддин Муҳаммад Бобур номидаги Андижон давлат университети ва бошқа кўплаб илмий муассасалар ҳамда олий таълим даргоҳлари фаолият юритмоқда. Академик Сайёра Рашидова раҳбарлигидаги Полимерлар физикаси ва кимёси институтида ҳам бу борада катта илмий ишлар амалга оширилмоқда.

Бироқ бу каби тадқиқотлар одатда толалар кимёси, ноорганик, органик ёки аналитик кимёнинг таркибий қисми сифатида қараб

қелинган. Биз эса кимёвий ва технология жараёнларини моделлаштиришни мустақил илмий ихтисослик сифатида ажратишни тақлиф этдик. Бу орқали мазкур тадқиқотларга алоҳида илмий мақом бериш, уларнинг аҳамиятини ҳолисона баҳолаш имконияти яратилади.

Шу мақсадда янги ихтисослик паспорти тайёрланди ва у Олий аттестация комиссияси томонидан кўриб чиқилди. Кейин ҳужжатлар 24 та илмий-тадқиқот институти ва олий таълим муассасасига экспертиза учун юборилди. Уларнинг 23 таси ижобий ҳулоса берди. Фақатгина битта ташкилот янги ихтисосликни жорий этиш ҳали эрта эканини билдирди ва бунга муаллифлар хорижий нашрларда мақолалар эълон қилмаганини сабаб қилиб кўрсатди. Ваҳоланки, “Scopus” халқаро илмий базасида 42 та илмий мақоламиз чоп этилган, ишларимиз АҚШ, Буюк Британия ва бошқа мамлакатлардаги нуфузли нашрларда эълон қилинган.

8 июнь кун Олий аттестация комиссияси президиуми “Кимёвий ва технология жараёнларини моделлаштириш” янги илмий ихтисослигини расман тасдиқлади.

— **Ушбу ихтисосликнинг амалий аҳамияти нимадан иборат?**

— Бор-йўғи битта кимёвий моддани синтез қилиш учун 50 дан 100 тагача тажриба реакцияларини ўтказиш талаб этилади. Ҳар бир тажриба орқали энг мақбул ҳарорат, босим, эритувчи миқдор, муҳит таркиби, зарур реагентлар ва бошқа кўплаб параметрлар аниқланади.

Амалиётда керакли натижага эришиш учун ўнлаб тажрибалар

Сандаҳмад ШУКУРОВ
(«Халқ сўзи») суҳбатлашди.

Fido Biznes

35
gil
O‘zbekiston Respublikasi MUSTAQILLIGI

«Fido-Biznes» kompaniyasi aziz vatandoshlarimizni, hamkorlarimiz va hamkasblarimizni O‘zbekiston Respublikasi mustaqilligining 35 yillik bayrami bilan samimiy muborakbod etadi!

Ushbu shonli sana xalqimizning bukilmas iroda kuchi, bunyodkorlik g‘ayrati hamda mamlakatimizning taraqqiyot va farovonlik yo‘lidagi ishonchli odimlarini ifodalaydi.

Biz umumiy yutuqlarimiz bilan faxrlanamiz va kelajakka birgalikda katta ishonch bilan qaraymiz!

Эндиликда «Ватан таянчи» отрядининг аъзосига, шунингдек, «Ватанпарварлар» ҳамда «Шижоат ва гайрат» мусобақалари республика босқичи голибларига олий таълим муассасаларига ўқишга кириш учун тавсияномалар берилади.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 842. 19 387 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қозғоқ бичими А—2. Баҳоли келишилган нархда.

Газетани ҳақидаги маълумотларни қўлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



ТЕЛЕФОНЛАР:

Девонхона 71-259-74-51; котибият 71-259-74-53;
эълонлар 71-259-74-87.



Таҳриратта келган кўлемлар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг сўзлаб берилиши учун обунали расмийлаштирган ташкилот жаавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуртов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик ҳижатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” наприёт-матбаа акциядорлик компанияси масул.

Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100066,
Тошкент шаҳри,
Ислон Каримов кўчаси, 55-уй.
Навбатчи муҳаррир — А. Алиқулов.
Мусахҳиш — Ш. Машраббоев.

“Шарқ” наприёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 22.50 Топширилди — 23.55 1 2 3 4 5 6